

## Жиззахда “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курси очилди



15:30 / 27.09.2021 2842

Бугун, 27 сентябрь куни Жиззах шаҳар марказида “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курсининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, қироат илми устози Алижон қори ташриф буюрди.

Тадбирда мутасадди вакиллар, имом-хатиб, толиби илм ва бошқа Қуръон карим шайдолари қатнашди.

Очилиш маросими тафсилотларини [muslim.uz](http://muslim.uz) ва [AlQuran.uz](http://AlQuran.uz) порталининг сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида кузатиб боришингиз мумкин.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати**